



Ахборот-таҳлил
газетаси

НАМКОР

press



www.hamkorpress.uz



t.me/hamkorpress_gazeta

Газета 2004 йилдан чиқа бошлаган

2021 йил 15 декабрь. 23 (402)-сон

hamkor.press@mail.ru

Бу сонга:

2 ЕТТИ ИҚЛИМДАН
ДАРАКЛАР

**ОЧИНГ,
РАСУЛОВ
ЭШИКЛАРИ!**

3

4 ПОЙТАХТ
ЧЕТИДАГИ ДУРДОНА

ЙЎЛИНГИЗ

БЕХАТАР БЎЛСИН!

5

6 НЕГА ЧАҚАЛОҚ

ҚУЛОФИГА АЗОН
АЙТИЛАДИ?

**ТЕАТР, БАРИБИР,
БОШҚАЧА-ДА!**

7

8 **ТОЙЧОҚ**

БОЛА,
ТОЙ БОЛА...



“КУМУШ ТАНГА”ЛИ МЕНЕЖЕР

Рабига Бегимбетова “Hamkorbank” АТБ тизимида ишлаётган малакали ходимлардан. Ҳозирда Янгийўл филиали чакана бизнес бўлими менежери (ВАШ) лавозимида фаолият олиб бормоқда. Янги йил арафасида у билан онлайн-мулоқотда бўлиб, ҳаммабон, яъни “ишдан ташқари” саволлар билан мурожаат қилдик. Унинг фикр-мулоҳазаларга бой жавоблари сизни ҳам бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

Давомини 5-саҳифада ўқинг.

“Yuniko plus” масъулияти чекланган жамиятимиз 2009 йилда ташкил топган бўлиб, Сирдарё вилоятида фаолият олиб боради. 2019 йилдан буён “Hamkorbank” АТБ нинг Гулистон филиали мижозимиз. Бугун ҳаёт шиддат билан давом этаётган бир пайтда банк нашри бўлган “Hamkor press” газетаси ўқувчиларнинг энг яқин сирдошига айланган.

КЕЛГУСИ ЙИЛДА ҲАМ БИРГАМИЗ

Ахборот тарқатиш борасида ижтимоий тармоқлар, интернет нашрлари энг кучли рақобатчига айлангани сир эмас. Бироқ ҳамма вақт газета ўзининг мазмун-моҳияти, тарихий аҳамияти билан ўқувчиларига эга бўлган ва ҳеч қандай ижтимоий тармоқ инсонга муталаа завқини бера олмайди. Ҳозир ҳам шундай. Икки йилдирки, “Hamkor press” газетасининг мухлисимиз.

Корхонамизда 19 нафар ходим ишлайди. Уларнинг ҳар бири газетани севиб ўқийди. Банклар фаолияти ва иқтисодиёт янгиликларини шу нашрдан топамиз. Турмуш чораҳалари, ибратли ҳикоялар, дунё янгиликлари ва 7 иқлим доирасида

ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан батафсил танишиб борамиз.

Ҳар байрамда Гулистон филиали ходимлари жамоамизни қутлагани келишади. 8 март — Хотин-қизлар байрами арафасида аёлларимизни табриклаб, фаолиятимизни газетада ёритишди. Бу, албатта, бизга ёқди. Ҳамкасбларимнинг кайфияти кўтарилди.

2022 йил учун ҳам “Hamkor press”га обуна бўлдик. Таҳририят ижодкорларидан янги-янги мавзудаги мақолаларни кутиб қоламиз. Уларнинг ишларига ва ижодларига муваффақиятлар тилаймиз. Янги йил омадли ва барокатли келсин!

Маликахон ФОЗИЛОВА.

ОБУНА — 2022

Қадрли юртдошлар!
Газетамизга
2022 йил учун обуна
давом этмоқда.
Вақтни ўтказмай
нашримизга обуна
бўлишга шошилинг!
“НАМКОР PRESS” йил
давомида сизнинг севим-
ли суҳбатдошингиз ва
ҳамкорингизга айланади.



**2022 ЙИЛ УЧУН ОБУНА
БАҲОСИ — 120 МИНГ СЎМ.**

Ҳамма ҳам саёҳат қилишни, айниқса, хорижий давлатларга боришни орзу қилади. Ҳозирда телевидение, ижтимоий тармоқлар орқали намойиш этилаётган гўзал манзаралар ҳар қандай инсонни дунё кезишга бўлган иштиёқини оширади. Жорий йил давомида ўз мижозларига қулайликлар яратиш билан бирга, уларни рағбатлантириб келаётган "Hamkorbank" АТБ Visa халқаро тўлов тизими ёрдамида қатор акцияларни ўтказди. Ғолибларсмартфондан тортиб автомобилгача бўлган қимматбаҳо ютуқларни қўлга киритди.

СОВҒА — ХОРИЖГА САЁҲАТ

Навбатдаги акция "Hamkorbank" ва Visa билан унутилмас саёҳатни ютиб олинг" мавзусига бағишланди. Унинг асосий шarti — Россиядан исталган усулда юборилган ўтказмани "Hamkorbank"нинг Visa картасига қабул қилиш. Акцияда жами 11235 нафар иштирокчи қатнашди. Ғолиблар банкнинг Инстаграмм саҳифасида тўғридан-тўғри мулоқот давомида аниқланди. Уларнинг ҳар бирига саёҳат учун мўлжалланган 1000 АҚШ долларига тенг сертификат топширилди.

26 ёшли Камронбек Мирзаев Фарғонадан. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади. "Hamkorbank" мижози. Унинг номига расмийлаштирилган Visa картасига Россия Федерациясида меҳнат

қилаётган яқин дўстининг пул ўтказиши ғолиблар қаторидан жой олишига сабаб бўлди.

— Тўғриси, акцияларга ҳеч ҳам ишонмас эдим. Менинг ғолиб бўлишим ютуқли ўйинлар ҳақидаги фикримни ўзгартирди. 1000 АҚШ долларига тенг сертификатни қўлга киритишим оиламиз учун катта хурсандчилик бахш этди. Яқинларим менга омад кулиб боққанидан жуда мамнун, — дейди К. Мирзаев. — Ташкилотчиларга катта раҳмат. Бу ҳаётимдаги энг катта омад. Менга тақдим этилган имкониятдан, албатта, фойдаланаман.



Қайси мамлакатга боришни ота-онам билан маслаҳатлашаман.

Сизга ҳам омад кулиб боқишини истасангиз, имкониятдан фойдаланинг. Ушбу картани расмийлаштириш учун шахсингизни тасдиқловчи ҳужжат билан банкнинг исталган филиалига келинг. Пул ўтказмалари осон ва қулай бўлишини ҳис этасиз. Қолаверса, келгусида ўтказиладиган янги акцияларнинг ғолибига айланинг. Асосийси, "Hamkorbank" билан бирга бўлсангиз, омад ҳамроҳингизга айланади.

Наргиза ЭШОНОВА.

ДУБАЙ "ҚОҒОЗСИЗ" ҲУКУМАТГА АЙЛАНДИ

Дубай ҳукумати иш юритишда қоғоз қўллашдан воз кечди ва дунёда биринчи бўлиб тўлиқ рақамли технологияларга ўтди.



Амирлик валиаҳд шаҳзодаси "қоғозсиз" ҳукумат ташаббуси унинг отаси, БАА вице-президенти ва бош вазири Мухаммад бин Рошид Ал Мактум томонидан

4 йил аввал таклиф қилинганини таъкидлади.

Эндиликда амирликнинг барча давлат муассасаларида ички ва ташқи ҳужжатлар айланиши махсус ахборот платформалари орқали электрон кўринишда амалга оширилади. Ҳисоб-китобларга кўра, электрон ҳукумат ва ҳужжатлар айланишини рақамлаштиришга ўтиш ушбу ташаббусни амалга ошириш бошланган 2018 йилдан бери амирликка 336 миллионга қоғозни тежашга имкон берган. Бу 353,8 миллион долларни ташкил қилади.

МИЛЛИАРДЕРГА УМРИНИНГ ОХИРИГАЧА ТАҚИҚ ҚЎЙИЛДИ

АҚШда молиячи, филантроп ва санъат асарларини коллекция қилишга ҳаддан зиёд берилган миллиардер Майкл Стайнхардт дунёнинг турли бурчакларидан ўғирланган буюмларни сотиб олгани юзасидан олиб борилаётган ишда тергов билан келишди.

Келишувга кўра Стайнхардтдан умумий қиймати 70 миллион долларлик 180 та қадимий буюмлар мусодара этилган ва унинг ўзига умрининг охиригача тарихий буюм ҳамда санъат асарларини сотиб олиш тақиқланган (прокурор маз-

кур жазони мисли кўрилмаган ҳаракат деб атаган). Шу тариқа коллекционерга нисбатан бошқа ҳеч қандай жазо чораси кўрилмади.

ЭЛБОШИ ТАСВИРЛАНГАН ЯНГИ БАНКНОТАЛАР

Қозоғистонда Миллий банк томонидан давлат мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан мамлакатнинг биринчи Президенти, Элбоши Нурсултон Назарбоев сурати туширилган, номинал қиймати 20 минг тенге бўлган банкноталар муомалага чиқарилди. Шу билан бирга, 2015 йил намунасидаги номинал қиймати ушбу миқдорда бўлган тўлов воситалари ҳам қонуний бўлиб қолади.



104 ЁШИДА ЎҚИШ ВА ЁЗИШНИ ЎРГАНДИ

Ҳиндистоннинг Керала штатида яшовчи Куттиямма исмли аёл 104 ёшга кирганида ўқиш ва ёзишни ўрганди.

Онахон бир умр қишлоқда яшаган ва уй-рўзгор ишлари билан машғул бўлган. У қашшоқ оилада туғилган бўлиб, узоқ вақт давомида савод чиқаришни истаган бўлса-да, шу йилнинг апрелидагина ўқишга киришди.

"У даврларда қизларнинг таълим олиши тасаввурга сиғмасди. Ҳаттоки ўғил болалар ҳам тўққиз ёшида мактабни ташларди. Ота-онам ерсиз деҳқонлар бўлиб, менинг вазифам 11 нафар ака-сингилларим билан яшайдиган уйда кир ювиш, овқат қилиш ва супур-сидир ишлари бўлган", — дейди у.



**ИҚЛИМДАН
ДАРАКЛАР**

81 ёшли Стайнхардт Steinhardt Partners хедж-фонди орқали бойиб кетган. Ушбу фондни 1960 йилларда ишга туширганди. Қарийб 30 йил давомида одамлар ушбу жамғармага пул тиккан ва маблағдан йилига ўртача 25 фоиз даромад олган

Евроиттифоққа аъзо 15 давлат 40 минг нафар афғон қочқинини қабул қилишга рози бўлди. Бу ҳақда ЕИнинг ички ишлар бўйича комиссари маълум қилди. Аниқлик киритилишича, Германия 25 минг, Нидерландия 3 минг, Испания ва Франция 2,5 минг нафардан қочқинни қабул қилади. ЕИнинг яна 11 мамлакатига 7 мингга яқин қочқин жойлаштирилади.

ЕВРОИТТИФОҚ АФҒОН ҚОЧҚИНЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШГА РОЗИ БЎЛДИ

Октябрь бошларида БМТнинг қочқинлар ишлари бўйича олий комиссари бошқармаси Евроиттифоқни беш йил давомида 42500 нафар афғонистонлик қочқинни қабул қилишга чақирган. Аммо ЕИга аъзо 27 давлатдан айримлари бу таклифга кескин қарши чиққанди. Улар орасида Хорватия, Греция ва Руминия бор.

ЧЕКИШГА ҚАРШИ ҚОНУН КУЧГА КИРГАЧ...

Янги Зеландия ҳукумати келажак авлодлар учун тамаки маҳсулотларини сотиш ва етказиб беришни қонунийлаштириш орқали чекишни тақиқлаш тўғрисидаги режаларини эълон қилди.

Ҳукуматнинг мақсади 2025 йилга бориб мамлакатда чекиш даражасини 5 фоизга камайтириш ва келажакда бу қарамликни бутунлай йўқ қилишдир.

Ҳозирда Янги Зеландия аҳолисининг тахминан 13 фоизи чекади, бу ўн йил аввалгига нисбатан 5 фоизга кам. Шу билан бирга, мамлакатнинг туб аҳолиси бўлган маори халқи орасида чекиш даражаси анча юқори — уларнинг 31 фоизга яқини чекувчи. Бу одамлар орасида касаллик ва ўлим кўрсаткичлари ҳам баланд. Қонун кучга киргач, сигарет сотишга рухсат берилган 8 мингга яқин дўкон сонини 500 тагача қисқартириш режалаштирилган.



Ҳ. РАШИДОВ тайёрлади.

2021 ЙИЛДАН СОВҒА ОЛДИНГИЗМИ?

Янги йил эшик қоқмоқда. Тарихга айланаётган яна бир йил кимга қандай совғаларни туҳфа этди? Яқинларингиз учун байрам совғаси тайёрми? Юртдошларимизга мана шу саволлар билан мурожаат қилдик.

Икромжон БОБОЖОНОВ,
“Hamkorbank” АТБ инфор­мацион технологияларни қўллаб-қувватлаш бўлими

етакчи мутахассиси:

— 2015 йилда банк­мизнинг инфор­мацион технологиялар бошқармасига иш ўрганувчи бўлиб келдим. Шу давр мобайнида соҳамни пухта эгаллашга эришдим.

Ортада қолаётган 2021 йил мен учун унутилмас таассуротларга бой бўлди. Банк­мизнинг 30 йиллиги тадбирларида фаол иштирок этдим. 1-тоифали мутахассисдан етакчи мутахассис даражасига кўтарилдим. Эришган натижаларимдан кўнглим тўлди. Келаётган йил ҳам ютуқларга тўла бўлсин. 2022 йилда ҳам оилам, яқинларим, ҳамкасбларим, жамоадошларим — барчасини соғ-саломат кўришни истайман.

Байрамларда яқинларимга совға қилишни сира ёддан чиқармайман. Бу гоҳида моддий, гоҳида номоддий кўри­нишда бўлиши мумкин. Яқинлашиб келаётган Янги йил айёми учун ҳам ота-онамга ажойиб туҳфа ўйлаб қўйдим. Аммо бу сир, унинг нималигини олдиндан айта олмайман.

Азиз юртдош! Сизнинг ҳаётингизда 2021 йил қандай из қолдирмоқда? Янги йил совғаларини унутмадингизми? Бу тўғрида бизга ёзиб юборинг.

Марина ДУБЧЕНКО,

Қўқон филиали чакана бизнес бўлими биринчи тоифали менежери:

— 21 йилдан буён шу филиал менинг иккинчи уйим. Ҳар бир йил инсонга турли совғаларни тақдим этади. 2021 йилда ҳам ҳаётимда ажойиб воқеалар юз берди. Банк­мизнинг 30 йиллиги арафасида кўкрак нишони билан тақдирландим. Бу кутилмаган муко­фотдан бошим кўкка етди.

Янги йилни совғаларсиз тасав­вур қилиб бўлмайди. Мен ҳам яқинларимга, дўстларимга ўзларининг истак-хоҳишларидан келиб чиқиб совғалар улашаман. Маса­лан, турли кўринишдаги сувенирлар бўлиши мумкин. Умид қиламанки, бу йилги совғаларим ҳам уларни хушнуд этади.

2022 йил ҳаммага омад, тинчлик-хотиржамлик, муваффақият олиб келсин. Энг муҳими, соғлиқ тилайман. Ким нимани орзу қилган бўлса, ортиғи билан эришиш насиб этсин.

Шерзод МЕНГЛИЕВ,

Чирчиқ филиали корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи:

— 2007 йилда Яккасарой мини банк­ига бошлиқ бўлиб келган­ман. Бир неча филиалларда бош ҳисобчи ўринбосари, бош ҳисобчи сифатида фаолият олиб бордим. Орзуим кредит бўлимида ишлаш эди. Омадни қарангки, шу йилнинг февраль ойида Чирчиқ филиалига корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи

лавозимига таклиф қилиб қолишди. Бу 2021 йилнинг унутилмас совғаси бўлди. Йил давомида зиммамдаги ҳамма режа­ларни бажариб, ишонччи оқладим. Насиб қилса, 2022 йилдан бундан катта совғаларни кутяпман. Ниятим тез орада бошқарувчи ўринбосари, кейин эса бошқарувчи бўлиш.

Янги йилга яқинларим учун китоб сотиб олдим. Уларни отамга ва турмуш ўртоғимга совға қиламан. Китоб инсонга жуда керакли манба эканлигини англаб етдим. У шахс­ни ҳамма томонлама ривожлантиради. Шу сабаб мунтазам китоб ўқишга ва бошқаларга ҳам совға сифатида беришга одатланмоқчиман.

Н. ТЎХТАМАТОВА.

Ўз ҳуқуқларимизни яхши биламиз. Керак бўлса, ўқиб, ўргана­миз. Айни вақтда бурч ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Аниқроғи, сизнинг бурчингиз нималардан иборат эканлигини биласизми? Бунинг учун, аввало, унинг моҳиятини англаш лозим.

Бурч жамият ва давлат томонидан бел­гиланган ва ҳуқуқий нормаларда ўз аксини топган талабларни бажариш заруриятидир. Асосан қоидалардан, ахлоқий нормалардан келиб чиқиб, шахс туғилганидан то умрининг охирига қадар давом этади. Янада тушунарлироқ тилда айтсак, кишининг

Шу ўринда бир мисол. Бугун аҳолини имтиёзли шартларда кредитлашдек ноёб тизим амалиётга киритилди. Банк ходимлари уйма-уй юриб, аҳолига томорқаларида деҳқончилик юритиш, чорвачилик ва паррандачилик билан шуғулланиш, оилавий тадбиркорликни ташкил этиш ва бошқа бир қатор

ЎЗ БУРЧИМИЗНИ ҚАНЧАЛИК БИЛАМИЗ?

лойиҳалар бўйича имтиёзли кредитлар олиш мумкинлиги ҳақида тушунтириш олиб бормоқда. Хўш, нега ушбу тадбирлар учун банклар ва маҳалла фаоллари жавобгар? Аслида бундан манфаатдор бўлган ўзимиз “Олма пиш, оғзимга туш” қабилида йўл тутамиз. Айни шу ўринда ҳам айримлар ўз бурчини унутиб қўяётганидан кўз юмиб бўлмайди. Оқибатда кундалик ҳаётимиздаги муносабатларда қонунларни бузиш, тартиб-интизомга риоя қилмаслик ёки уларни менсимаслик одатий ҳолга айланиб бормоқда. Ўз ҳақ-ҳуқуқимизни талаб қилиш баробарида фуқаролик бурчимизни қандай бажараётганимиз тўғрисида ҳам ўйлаб кўрсак мақсадга мувофиқдир.

Бурч нисбий тушунча бўлиб, у вазифанинг қандайлиги ва киши олдидаги мажбуриятига қараб турлича бўлади. Яъни миллий бурч, ижтимоий бурч, умуминсоний бурч, фарзандлик бурчи, ота-оналик бурчи, шахсий бурч ва бошқалар. Ҳозирги шароитда инсоннинг табиат ва авлодлар олдидаги бурчи янгича мазмун касб этиб бормоқда. Оилавий бурч эса жамият олдида турган мақсадлар билан янада уйғунлашмоқда.

М.ЙЎЛДОШЕВ,
ҳуқуқшинос.

“Расулов эшиклари бор, муаммо йўқ”. Бу гапларни машҳур қизиқчи Шукрилло Исроилов мазкур маҳсулот рекламасида айтган эди. Дарҳақиқат, Мустақилликнинг илк йилларида Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида тадбиркор Ғофуржон Расулов томонидан ташкил этилиб, Расулов бренди остидаги эшик-ромлари билан танилган корхона ҳануз қурилиш маҳсулотлари бозорида етакчи.

2021 йил биз учун омад­ли келди. Аукцион орқали Янгийўл туманидан 2 гектарлик кўчмас мулк сотиб олдик. Бу ерда эшик-ром

Истиқболли лойиҳалар

хизмат қилди.

Ҳозирда республика бўйлаб 60 та диллерлари-

малакага эга. Энг муҳими, хомашёларимиз жуда сифатли, асл. Тахтани Хитой, бўёқларни Туркия ва Италиядан харид қиламиз. Мебеллар битта цехда кесилса, иккинчисида бўялади. Шу боис маҳсулотга

чанг, ғубор ўрнашмайди, покиза ҳолатда ишлаб чиқарилади. Сотилган маҳсулотларимизда бирон нуқсон ёки носозлик кузатилса, бошқасига алиштириб берилади. Фаолиятимиз давомида шуни кузатдикки, бизнинг эшик-ромларимизни бир марта харид қилган мижоз, албатта, яна қайтиб келади. Сифатли, аммо арзон маҳсулотга қайси харидор қизиқмайди дейсиз?!

Маҳсулотларимиз асосини МДФ, ПВХА хомашёларидан тайёрланган 15 турдан ортиқ уй жиҳозлари ташкил қилади. Яқин келажакда улар орасига алюминдан тайёрланган эшик-ромлар ҳам қўшилади. Айни пайтда корхонамизнинг ишлаб чиқариш ҳажми ойига 2 миллиард сўмни ташкил қилмоқда.

Жорий йилдаги ютуқларимиздан бири акфанинг “термо” деган янги технологиядаги турини патентлаштирганимиз бўлди. Насиб қилса, келгуси йилдан ишлаб чиқариш жараёнини ҳам йўлга қўямиз.

Нурсултон МАҲКАМБОВЕВ,

“Rasulov G. I” МЧЖ бош ҳисобчиси.



ОЧИНГ, РАСУЛОВ ЭШИКЛАРИ!

ишлаб чиқарадиган яна бир корхонамиз фаолиятини йўлга қўямиз. Янги объектимиз ишга тушса, 200 та иш ўрни яратилади.

“Hamkorbank”нинг Янгийўл филиали билан 2015 йилдан буён ҳамкорлик қилаётган бўлсак, жами 20 миллиард сўмга яқин молиявий кўмак олдик. Шу банкнинг кредитлари, сифатли ва тезкор хизматлари фаолиятимизни янада ривожланишига катта

миз бор. Келгуси йил чет давлатларга ҳам экспортни йўлга қўйиш ниятидамиз.

“Нимага Расулов бренди остидаги эшиклар машҳурликка эришди?” деб сўрасангиз, бунинг биринчи сабаби — Германия технологиясига асосланганимиз. Эшикларимиз юқори дид, замонавий дизайн асосида яратилади. Қолаверса, ҳар бир буюртмага алоҳида эътибор қаратамиз. Мутахассисларимиз юқори

“Hamkorbank” АТБнинг Марғилон филиали 2002 йилда атиги 16 нафар ходим билан ўз фаолиятини бошлаган. Мижози ҳам унча кўп бўлмаган. Бу табиий, албатта. Қисқа фурсатда, яъни 2005 йилда ходимлар 22 нафарга етди. Иқтисодий ўсиш тез борди. Банкка мурожаат қилувчилар сони ҳам шунга яраша ортди.



АҲИЛ ЖАМОА БИЛАН РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАМИЗ

Бугун жамоамиз асосан изланувчан, тиришқоқ ва билимли ёшлар билан шаклланган. Уларга узоқ йиллардан буён ишлаб келаётган Тоҳир ака Маҳмудовдек тажрибали мутахассис устозлик қилиб келмоқда. 1 400 дан ортиқ юридик ва 6 000 жисмоний шахслар доимий мижозимиз. Улар кўрсатилаётган банк хизматларидан мамнун. Мижозларнинг энг кўпи чакана бизнес бўлимида қабул қилинади. Бу бўлим кишидан сабр ва хушмуомалаликни талаб этади. Шахноза Ғофурова ана шундай ходимлардан. У ёш бўлишига қарамай етарли тажрибага эга. Дилбархон Саидхонова филиал ташкил топгандан буён

ишлаб келади. Яқинда унинг қувончини жамоа билан баҳам кўрдик. Фарзанди пойтахтдаги олий ўқув юртига ўқишга кирди. Ипотека кредити эвазига кўп қаватли уйларнинг бирига эга бўлди. Бу биргина мисол. Ҳар бир ҳамкасбимизнинг қувончи жамоага кўтаринки руҳ бағишлайди. Чунки барча аҳил-иноқ, гўё бир оила.

Ўтган 2020 йил барча соҳада бўлгани каби иқтисодиёт ва банк тизими йўналишида синовли йил бўлди. Якунланган йилда филиалимизга 9 миллиард 500 миллион сўм миқдорида фойда режаси белгиланган эди. Режани 13 миллиард 160 минг сўм-

га, яъни 141 фоизга ортиғи билан бажардик. Бундан ташқари, корпоратив хизматлар кўрсатиш бўлими бошлиғи Рустамжон Умаров раҳбарлигидаги кредит ходимлари кредит портфелини ўстириш йиллик режасини 6 ойлик якуни бўйича муддатидан олдин бажаришга эришдилар. Ҳамма вақт мижозлар манфаатни устун қўйишимиз, сидқидилдан, астойдил қилинган самарали меҳнатларимиз туфайли ҳамкор корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлар сони ортиб борапти. “Ferlev”, “Magic black oil”, “Trans ferlev” масъулияти чекланган жамиятлари каби нефть маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи импортёр, “Нурли тонг силк”, “Dang’ara ipagi”, “Beshariq ipagi” МЧЖ сингари ипакчилик экспорти билан шуғулланувчи корхоналар ана шулар жумласидан. Биргина “Ferlev”, “Magic black oil”, “Trans ferlev” масъулияти чекланган жамиятлари алоқадор корхоналар гуруҳига 2018 йилда 8 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилган бўлиб, ўтган йиллар мобайнида мижоз томонидан қўшимча бизнес сифатида меҳмонхона, умумий овқатланиш тармоқлари шакллантирилди, 60 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Жорий йилда ушбу корхоналар тармоғига 4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағлари берилиб, қўшимча 40 дан зиёд иш ўрни барпо этилди. Ҳозирда ушбу мижозлар томонидан чет эллик инвесторлар иштирокида нефть маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кичик ишлаб чиқариш корхонаси линияси олиб келиб ўрнатиляпти. Натижада кўплаб марғилонликлар иш билан таъминланади ва ҳудуд иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўшилади.

Филиалимизда “Олтиариқ”, “Тошлоқ”, Увайсий ҳамда “Ипакчи” банк хизматлар офиси мавжуд. Ушбу БХОларда мижозларга барча турдаги банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Биргина “Олтиариқ”нинг мижозлари минг нафарга етди. “Ипакчи”нинг ташкил қилинганига кўп вақт бўлмаган бўлсада, шаҳар аҳлининг ишончига кирган. “Раҳмон Умар Файз” МЧЖ намунали мижозларидан. Бир сўз билан айтганда, мижозлар хизматимиздан мамнун.

Рашиджон МАДАМИНОВ,
Марғилон филиали бошқарувчиси.

ПОЙТАХТ ЧЕТИДАГИ ДУРДОНА

“Hamkorbank” АТБнинг Шайхонтоҳур филиали бир қарашда менда “мини банкка ўхшар эканми”, деган фикр уйғотди. Негаки, филиал биносининг ташқи фасади шохобча қиёфасини эслатади. Бинонинг нафақат ташқи кўриниши, балки, ички тузилиши ҳам катта тармоқ фаолияти учун кичикроқдек туюлди. Хоналар тор, бўлимлар мижозларга қулай тартибда жойлашмаган. Аммо ходимлари самимий, бағри кенг, тилидан бол томади.

“КАТТА ШАҲАРДА ЎЗИГА ИШОНГАН ИШЛАЙДИ”

Рустам ЙЎЛДОШЕВ, чакана бизнес бўлими бошлиғи:



— Хуш келибсиз, филиалимизга. Ваниҳоят, бизнинг жамоа ҳам “Hamkor press”да чиқар экан. Бизни қачон ёзишар экан, дея кутиб юривдик. Қайси жиҳатимиз ҳақида билишни хоҳлайсиз? Мана, 36 кишилик аҳил жамоамиз. Бир неча ой олдин Ирода Ибрагимова бошқарувчи бўлиб келди. Шу кунларда хизмат сафарида бўлгани учун масъулият менинг зиммамда.

2015 йилдан бери шу филиалда ишлаб келаман. Фаолиятимни кассада бошлаб, бўлим бошлиғи даражасига етдим. “Hamkorbank”даги тизим айна мен хоҳлагандек: меҳнатига яраша, албатта,

мукофоти бор.

Пойтахтда ишлаш бошқа ҳудудларда ишлашдан кўра кўпроқ масъулият ва салоҳият талаб қилади. Чунки вилоятда бир хил тоифадаги мижозлар мурожаат қилса, Тошкент шаҳрида турли даражадаги шахсларга хизмат кўрсатасиз. Агар уларнинг бирорта саволига аниқ жавоб беролмай қолсангиз, сизни мутахассис сифатида тан олмаслиги мумкин. Ходимнинг ўзига ишончи бўлмаса, муҳит уни ютворади.

Филиалимизнинг асосий фойдасини бизнинг бўлим беради. Жисмоний шахсларнинг оқими катта. Ҳафта бошида навбатда турган мижозларни кўриб, ақлингиз шошади. Яқинимизда талабалар шаҳарчасининг жойлашганлиги ҳам жисмоний шахслар томонидан қилинадиган мурожаатлар сонини оширмоқда. Насиб қилса, 2021 йилни 100 фоизлик довонни забт этган ҳолда якунлаймиз.

Филиалнинг натижаларига кўз ташлар эканмиз, рақамларда 120-150 фоизлик кўрсаткичларни кузатдик. Масалан, ВАШ-конверсия амалиётлари даромади ноябрь ойининг охиригунча кунлиги ҳолатига 147 фоиз, халқаро пул ўтказмалари даро-

мади 142 фоизга, курс фарқидан олинган даромад эса 150 фоизга етган.

Юридик мижозлар ташифи учун ноқулай ҳудуд бўлишига қарамай, ходимларнинг саъй-ҳаракати, жойларга бориб маркетинглар ташкил қилиши натижасида катта корхо-

“ИШИМ ЎЗИМГА ЖУДА ЁҚАДИ”

Комила ЙЎЛДОШЕВА,

корпоратив хизматлар кўрсатиш бўлими транзакцион менежери:

— Жамоанинг илк ходимлариданман ва мижозларни энг кўп танийдигани ҳам ўзим бўлсам керак. Бу банкда келажакимни кўра олганим учун шу ерданман. Хизмат вазифам ўзимга жуда ёқади. Юридик мижозларга ҳисобрақам, пластик карталар очиш, ҳисобидаги маблағларини юритиш билан шуғулланаман. Дўстона, аҳил жамоада ишлашнинг гашти ўзгача. Ишим икки нафар фарзандим ва оиламга эътибор беришимга тўсқинлик қилмайди. Жамоамизда бир-бирини қўллаш, зарур пайтда ёрдам қўлини чўзиш таъойили кучли.

Бўлимимизда бизга бириктирилган иш ўрганувчи ходимларга ҳам алоҳида эътибор қаратамиз, уларга келажакда иш ўринларини топиши учун керак бўладиган барча билимларни берамиз. Менимча, Шайхонтоҳур филиалидан жуда яхши иш ўрганувчилар чиққан бўлса керак. Кириб келаётган 2022 йил билан барчани табриклаб қоламан!

“КЎРСАТКИЧЛАРНИ ЯХШИЛАШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА”

Сардор БЕРДИЕВ, филиал бош ҳисобчиси:



— 2012 йилда Яккасарой филиалида иш бошлаб, уч йилдан сўнг “Шайхонтоҳур” ходимига айландим. Жамоамиз ёш, ҳаракатчан ходимлардан иборат, босим йўқ, яйраб ишлаш мумкин бўлган муҳит ҳукмрон.

Юридик мижозларимизнинг камлиги натижаларимизга таъсир кўрсатаётгани рост. Лекин бу муаммони ҳал қилиш имкони бор. Кўп нарсаси бошқарувчининг тажрибаси ва изланишига боғлиқ. Рақамларимизни ўстириш учун мавжуд мижозларга сифатли хизмат кўрсатишимиз, маркетинг таърифларни ўзгартиришимиз, хизматларни шаҳар талабларига мослаштиришимиз зарур.

Ходимлар ўз устида ишлаб, ишга креатив ёндошса, натижаларимиз яхшиланиб бораверади. Жамоамизда мана шу ёндошувда ишлайдиган Комила Йўлдошева, Обиджон Ҳайдаров, Зилола Ҳалиқулова каби ёшлар бор. Ўзим ҳам доимо изланишдаман. Соҳам билан боғлиқ қандай янгилик чиқса, танишиб бораман.



га тушлик қилиш жараёнида жамоа аъзоларининг бир-бирига бўлган чуқур ҳурмати ва кучли меҳрини ҳис қилдим. “Hamkorbank”нинг ғояларини кенг татбиқ этаётган бу филиални қимматбаҳо завоҳарга ўхшатдим.

Нигора ТҲАТАМОВА.

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Йилимиз ҳам якунига етпти. Сизнинг назарингизда жорий йилда жаҳонда, мамлакатимизда рўй берган энг муҳим воқелик қайси? Шахсий ҳаётингизда-чи?

— 2020 йилда пандемия натижасида юзага келган қийин вазиятдан кейин барчага ҳам ишлаш осон бўлмади. Шунга қарамай филиалимиз ходимлари билан ҳамжиҳатликда белгиланган режа-топшириқларни вақтида бажаришга интилдик. Ҳаракатларимиз зое кетмади.

Бу йил жаҳон миқёсидаги воқеалар орасида Афғонистонда юзага келган вазият жамоатчилик қатори мени ҳам эътиборимни

дир камаймаяпти. Буни бартараф этиш учун жамоатчиликка қандай ечим таклиф қилган бўлардингиз?

— Аввало, ёшларни оила қуришга олдиндан тайёрлаб, тарбия бериб бориш керак. Ажралишларнинг аксариятига айрим ёшларимиз орасидаги ишсизлик, боқимандалик сабаб бўляпти, деб ҳисоблайман. Йигитлар уйланишдан олдин бирон касб-корни эгаллаб, маълум бир даромад манбаига эга бўлиши лозим. Йўқчиликдан оиллага путур етади. Ёш оилаларнинг молиявий қийинчиликларни енгиши



Буларнинг барчаси нотўғри тарбиянинг натижаси. “Нима эксанг, шуни ўрасан” дейишади-ку. Охирги пушаймондан фойда йўқ. Ҳаммага ҳам бола ширин. Лекин ширин экан деб талтайтириб юбориш, нимани истаса зумда муҳайё қилиш яхшиликка олиб келмайди. Болага, аввало, ширин қанд эмас, ширин тарбия бериш даркор.

— **Болалик орзулари оппоқ, беғубор... Уларнинг қай бирига эришдингиз?**

— Болалигимда зиёли, ўқимишли тоғаларим ва ходаларимга роса ҳавас қилардим. Уларга ўхшашни истардим. Улғайгач, орзуларимга етдим. Тошкент халқ хўжалиги институтини битириб, жамиятга нафи тегадиган инсонга айландим. Банк соҳасида ишлашим эса ушалган бахтимнинг ўзаги, деб ўйлайман.

— **Кимларга (яъни қандай одамларга) ҳавас қиласиз?**

— Ҳалол, ҳамма нарсага ўз меҳнати билан эришган, комил фарзандларни вояга етказиб, уларнинг камолини кўриб роҳат-фароғатда яшаётган инсонларга ҳавас қиламан. Бундай инсонлар юртимизда талайгина. Улар барчамиз учун ибрат.

— **Спортга муносабатингиз?**

— Спортсиз ҳаётни тасаввур этиш қийин. У ҳаракат, тани сиҳатлик, баркамоллик демак. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда спорт ва соғломлаштириш тадбирларига катта аҳамият қаратиляпти. Мактабда ўқиётган пайтимда баскетбол ўйнашга қизиқардим. Синфимиз жамоаси бу спорт турини яхши ўзлаштирганди. Мусобақаларда бошқа синфларни доим ютардик. Ғалаба қувончини ўшанда татиганман. Спорт билан шуғулланган инсон доимо соғлом бўлади.

— **Самимий суҳбатингиз учун ташаккур. Кириб келаётган Янги йилимиз ишларингизга янада омад, севимли жамоангизга улкан ютуқлар, оилангизга тинчлик, хотиржамлик, хонадонингизга қут-барака олиб келсин!**

Суҳбатдош: Ҳалимжон
ТОҲИРОВ.

“КУМУШ ТАНГА”ЛИ МЕНЕЖЕР

торти. Ишқилиб барчаси яхшиликка бўлсин. Мамлакатимизда йилнинг энг муҳим воқеаси, шубҳасиз, Президент сайлови ва унда Ш. Мирзиёвнинг энг кўп овоз олиб, қайта сайланганлиги. Унинг етакчилигида Янги Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида янада юксак мақомга эришади, деган умиддаман.

Шахсий ҳаётимда ҳам қувонарли кунларим кўп. Банкимиз ташкил топганлигининг 30 йиллиги муносабати билан кумуш танга билан тақдирландим. Учинчи фарзандимни уйлантирдим.

— **Бугунги кунда қўл телефонисиз ҳам яшаса бўладими?**


— Қўл телефонисиз яшаш... Йўқ, у энди кундалик ҳаётимизга чуқур сингиб кетди. Бугунги кун дунёси учун зарурий воситалардан бири. Қўл телефони билан кўп нарсаларни зумда ҳал қилиш мумкин. Аввал, буни ҳатто тасаввур қилиш мушкул эди. Лекин ундан ўз ўрнида, яхши ишлар, эзгу ниятлар учун фойдаланиш керак. Нопок кимсалар уни ғаразли мақсадлар учун ишла-тишаётганлиги афсусланарли. Имкон қадар “сотка”ни балоғатга етмаганларга бермаслик зарур. Бу борада ота-оналарни ҳушёрликка чорлаган бўлардим.

— **Оилавий ажримлар нега-**

учун нафақат ота-она, балки, кенг жамоатчилик ҳам ҳамжиҳат бўлиши катта аҳамиятга эга.

— **“Қуш уясида кўрганини қилади” мақолини қандай тушунасиз (ёки изоҳлайсиз)?**

— Бизнинг қандай шахс эканлигимиз, инсоний фазилатларимиз фарзандларимиз орқали элга намоён бўлади. Негаки фарзанд тарбияни, аввало, уйдан олади. Хонадонда нимани кўрса, билса, шунга монанд вояга етади. Улар



яхши инсон бўлиши учун биз — ўзимиз намуна бўлишимиз керак. Гоҳида “Онасини урибди”, “Отасига пичоқ кўтарибди” қабилидаги гап-сўзларни эшитиб қоламиз.

СУҲБАТДОШИМИЗ ҲАҚИДА

Рабиға Бегимбетова 1967 йилда Тошкент вилоятининг Қўйи Чирчиқ туманида туғилган.

Маълумоти олий. Тошкент халқ хўжалиги институтини (1991 й.) тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1984 йилда Тошкент тўқимачилик комбинати ип йигирув фабрикасида бошлаган. Кейинчалик “Янгийўл” совхозини иқтисодчиси, “Ўзагросаноатбанк” Янгийўл бўлимида ҳисобчи, кредит бўлими мутахассиси (1993-1999 йй.), ИАТ “Пахтабанк” Янгийўл бўлими кредит бўлими мутахассиси (1999-2001 йй.), Янгийўл технология коллежи бухгалтерия ҳисоби фани ўқитувчиси (2002-2003 йй.) сифатида фаолият олиб борган.

2003-2020 йилларда “Ҳамкорбанк” АТБ Янгийўл филиалида менежер, мидл офис ходимлар билан ишлаш менежери, касса амалиётлари бўлими кассири, чакана бизнес бўлими назоратчиси бўлган. 2020 йилнинг сентябрь ойидан чакана бизнес бўлими менежери.

Оилали. Уч нафар ўғли ва уч нафар набираси бор.

Корхонамиз 2012 йилда ташкил қилинган бўлиб, дастлаб атиги 5 та юк машиналарида чет давлатларга юк ташиш билан шуғулланган. МЧЖ раҳбари Ғайрат Каримов салоҳиятли тадбиркор. Унинг таклифи билан 2013 йилда “Hamkorbank” АТБ нинг Урганч филиалига ҳисобрақамимизни кўчирганимиздан сўнг омад эшиклари очилди. Ҳар ишда бир ҳикмат деганларидай, банк ходимларининг хушмуомалилиги ва намунали хизмат кўрсатишлари боис қисқа фурсатда 47 минг АҚШ доллари миқдорида кредит маблағи олишга эришдик. Корхонамиз иқтисодий жиҳатдан ўзини тиклаб олди. Кейинги гал 500 минг АҚШ доллари эвазига қўшимча машиналар сотиб олдик, қўшимча ҳайдовчилар ишга қабул қилинди.



ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН!

Маблағингиз етарли, иқтисодий бақувват бўлсангиз ривожланиш, ўсиш бўларкан. Айни кунда ишчи-ҳодимларимиз сони юздан ошди ва улар учун қулай шароитлар яратилди. 60 дан ортиқ юк машиналаримиз ва 35 та ижара шартномаси асосида бўлган уловлар Грузия ва Россиянинг бепоеън ўлкаларига, Афғонистондан тортиб узоқ Сибирга қадар, Туркия, Туркменистон ва Тожикистон давлатларига озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бермоқда.

Россиянинг “Камаз”, Қорақалпоғистоннинг “UzKorGaz” Ўзбекистон-Корея қўшма корхоналари билан ҳамкорликдаги манзилли хизматлар ижобий самара беряпти. Уч йилдан буён чет давлатлар танловларида қатнашиб, ғолиб бўляпмиз. Бу йил ҳам йирик заводлар қатори онлайн тендерда қатнашидик ва ғолиб сифатида хизмат турларимиз ошди, қўшимча буюртмалар қабул қилдик.

Корхонамиз бугунги кунга қадар банкдан ўн марта кредит маблағлари олиб, фойдаланди. Яқинда олган молиявий кўмак билан даромадимиз юксалди, 5 та кредит маблағлари муддатидан олдин сўндирилди. Банкнинг ишончини оқлаб, намунали мижозга айландик.

Ҳайдовчилик — машаққатли касб. У инсондан ҳушёрлик, зийраклик, сабр-тоқат ва масъулият талаб этади. Ходимларимиз бу борада синовдан ўтган бўлсаларда, уларни узоқ йўлга кузатаётганда “Йўлингиз беҳатар бўлсин!”, деймиз. Йил якунида қўлга киритилган фойда ҳамкасбларимиз турмушини яхшилашга ва эзгу ишларга сарфланади. Бу эса келгуси йил фаолияти учун кўтаринки кайфият бағишлайди.

Ҳилола КАРИМОВА,
Хоразм вилоятидаги
“Боғи Эрам Хоразм” МЧЖ ходими.

Улуғ қадриятларимиз

Янги туғилган чақалоқнинг оппоқ матога ўралишида ўзига хос рамзий маъно бор. Динимизда матоларнинг энг афзали оқ ранглиси эканлиги айtilган. Шунингдек, яна бир удум борки, бу, гўдакнинг ўнг қулоғига азон, чап қулоғига такбир айтишдир. Хўш, нега шундай?

НЕГА ЧАҚАЛОҚ ҚУЛОҒИГА АЗОН АЙТИЛАДИ?

Бунинг сабаблари ҳақида Islom.uz каналдан Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ билдирган фикрлар бизга маъқул келди:

— Янги туғилган боланинг қулоғига азон ватакбирайтиш ота-онанинг бурчи, боланинг ҳаққидир. Азон илоҳий мадҳия эканлиги барчага маълум. Бу ишнинг фазли қанчалар улуғлигини ҳамма яхши билади. Азон айtilган жойда барака бўлади, азон айtilган жойдан шайтон қочади. Шунинг учун ҳам, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам янги туғилган болаларнинг ўнг қулоғига азон, чап қулоғига такбир айтганлар ва умматларига шуни тавсия қилганлар.

Бунда гўзал рамз ва маъно мавжуд. Аввало, бу бола янги туғилди, ҳали қулоғига ҳеч қандай овоз киргани йўқ. Унинг қулоғига дастлаб кирадиган овоз "Аллоҳу Акбар" бўлсин, илоҳий мадҳия бўлсин, токи бу бола доимо яхши овозларни, улуғ сўзларни эшитиб юрсин, деган орзу-умид бор.

Анчадан буён янги туғилган чақалоқнинг қулоғига азон ва такбир айтишнинг маъносини ўйлаб юрдим. Амаким Муҳаммаджон ҳожи отанинг ёши 90 дан ошган. Диний ва дунёвий билимга эга. Маҳалланинг энг кекса кишиси. Ён-атрофимиздаги қишлоқларда янги туғилган чақалоқларнинг кўпининг қулоғига азон айтган, десам, муболағасиз.

Касаллик тарихи даволаш профилактика муассасаларида ҳар бир беморга тўтилади-ган асосий тиббий ҳужжатлардан бири. Унинг ҳам ўз тарихи бор. У қадим Шарққа бориб тақалади.

КАСАЛЛИК ТАРИХИ

уни ким ўйлаб топган?

865 йилда Рай (Эрон) шаҳрида савдогар оиласида туғилган Абу Бакр Ар Розий. Ёшлигидан мусиқа, адабиёт, астрономия, математика билан шуғулланган. Кейинчалик фалсафа, кимё ва тиббиёт билан қизиқди. У жуда кўп сафарда бўлиб, Бухоро, Боғдод, Кордова ва бошқа шаҳарларда бўлган. Боғдод ва Рай шаҳарларидаги шифоналарда



— Азон илоҳий мадҳия эканлигини эшитганман, — дея сўзлади ҳожи бобо. — Бу ишнинг фазли қанчалар улуғлигини ҳамма яхши билади. Азон айtilган жойда барака бўлади, азон айtilган жойдан шайтон қочади...

Тиббиётда ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилади. Болалар шифокори, неонатолог-врач Фотимахон Ҳасанова бу тўғрида қуйидагиларни айтди: "Болалар шифокори сифатида ишлаётганимга 30 йилдан ошди. Чақалоқларнинг соғлиғи яхши бўлмаганда ёки чала туғилган ҳолатларда улар туғруқхонадан бизнинг бўлимга ўтказилади. Айрим пайтларда чақалоқлар қулоғига азон айттириш вазифаларини ҳам шу ернинг ўзида амалга оширганмиз. Чунки бола нафақат тиббий, балки, диний ва руҳий тарафдан ҳам озиқ олиши керак. Азон қақирилганда, Аллоҳнинг номи ва ширин калом билан мурғак гўдакнинг танаси роҳатланади, қалбига, руҳига маънавий қувват етади. Ўшанда у тез шифо топади"...

Одатларимизда катта ҳикмат бор. Туғилганимизда, қулоқларимиз илк бор азон ва такбирни эшитгани учунми, мусулмонлар бир-бирларига меҳрибон, диёнатли. Зеро ўзбек халқига хос ҳар бир қадриятда олам-олам маъно муҳассам.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.

Иш ҳужжатларига бир назар

ган. Боғдод шаҳридаги шифохона қурилишида иштирок этган ва кейинчалик 20 нафар шифокордан иборат касалхонани бошқарган.

Шифохона қурилиши учун жой топиш

терапия, жарроҳия ва шифокорларни тайёрлаш мактаби кирарди. Тиббиёт мактабининг талабалари амалиётни шифохонада ўтказишарди. Шифохона штати кичик ва катта шифокорлардан иборат бўлган. Шифокорлар ташхис қўйишда қийналишганда беморни Ар Розий кўриқдан ўтказган. У биринчилардан бўлиб Шарқда касаллик тарихини ёзиш усулини киритган.

Ар Розийнинг қолдирган мероси 184 катта ва кичик асарлардан иборат. Ундан 68 таси бизнинг давримизгача етиб келган. Умрини охирларида Рай шаҳрига қайтиб келган, 925 йилда 60 ёшида вафот этган.

Наргиза КАМОЛОВА
тайёрлади.

Шифохонанинг кулранг шифтига қараб ётган Нозиманинг вужудини оғриқли дардан кўра минг бир хаёл азобга соларди. Эндигина "ая"лаётган мурғак қизалоғига энди ким қараркин? Ишининг, топиш-тутишининг тайини йўқ эри, коллежда ўқийдиган ўғлининг еб-ичари, ётиб-туришлари, кирчирлари нима бўларкин? Мен бўлмасам улар ҳатто бир чойнак чойни ҳам дамлай олишмасди. Камида уч-тўрт ой даволанишим керак экан. Шунча вақт ичида уй-жойимиз ҳам, болаларим ҳам эгасизга ўхшаб қолмаса бўлгани... Эҳ, бунақа кезде суянадиган яқин одамнинг бўлмаса қийин экан..."

"СИРЛИ" ТЎЛОВ

Шу кезде нега-дир хаёлига кўшни маҳалладаги овсини келди. Бундан дили баттар ғашланди. Мактаб ёшидаги уч нафар боласи, тун ярмида уйга қайтадиган тракторчи эри, касалманд қайнсинглиси, қўйсигир боқиш, далага чиқиш — хуллас, ташвиши ўзига етарли. Лекин Барчиной (овсинининг исми шундай эди)га бир нима дейишга ботиниши қийин. Негаки, у билан қайноғасини, ногирон қайнсинглисини ўзлари яшаётган кенг ҳовли-жойдан чиқариб юборгунча минг бир "хунари"ни ишга солганди. Хонадон катталари вафот этгач, арзимас нарсадан ғалва кўзийвериби, нафақат овсинини, ҳатто кўни-кўшниларни бездириб юборганди. Охир-оқибат овсини ҳасса таёқда юрадиган қайнсингилни, майда болаларини етаклаганча кўшни маҳаллага — қурилиши чала уйни ижарага олиб кўчиб кетди. Борди-келди ҳам ҳаминқадар: йилда уч-тўрт бор, бирон-бир тўй-маросим сабаб кўришишади, холос. Аслида ҳамма айб ўзида: ўттиз сотихли, боғроғли хонадон иккаласининг оиласига ҳам етиб ортарди. Аммо нафсининг кўйига кириб, эрини қайноғасига ғиж-ғижлади, ўзи эса содда, ювош Барчинойга пинҳона "ҳужум" бошлади. Оқибатда ака-ука деярли юзкўрмас бўлиб кетишди, овсинлар эса...

Бирдан Нозиманинг ичида нимадир узилгандай бўлди. Юраги увушиб, нохуш уйлар гирдобиди қолди. "Балки, худойим ана шу "қилмишим" учун мен-

га шу дардни бергандир? Ахир қилмаган дори-дармоним, бормаган дўхтиру табибим қолмади-ку? Нега муолажалар яхши наф бермаяпти? Кунни кеча катта дўхтир юзимга қараб: "Аввало, сизни қалбингизни даволаш керак", деганда нима-ни назарда тутди экан? Даволанишга пул ҳам сувдай кетяпти. Ҳали яна кетади. Буёғига энди нима қиламан, пулни қайдан топман? Э, худо, бу не кўргулик?"

Пойтахт шифохонасида уч ҳафта ётгач, Нозима пул масаласини рўқач қилиб, кетишга чоғланди. Аммо шифохонадагилар унинг даволаниши учун етарли маблағ тўлаб қўйилганлигини айтишгач, бир муддат қарахт бўлиб қолди. Унга ким бу қадар олийжаноблик, меҳрибонлик кўрсатганлигини билмоқчи эди, масъуллар елка қисиди: "Билмадик, аммо чинакам яхши одамлиги аниқ". Эрига кўнғироқ қилганди, тайинли жавоб ололмади.

"Сирли ҳомий"нинг кимлигини кўнгилдагидай даволаниб, уйига қайтганидан сўнг билди-ю, ўзини кўярга жой тополмай қолди. Бунақа бўлишини кутмаган, ҳатто хаёлига ҳам келтирмаганди.

Тушга яқин овсини у ёқтирадиган таомни пишириб, кўргани келганда, ҳаммаёқни саранжом—саришта, топ-тозалигига ҳали-ҳануз ҳайрон бўлиб турганди. Овсинини илиқ кутиб олган эрининг "кутилмаган қилмиши" уни янада ажаблантирди. Барчинойни одатдагидай хушламай қаршилаган Нозима номигагина сўрашган

бўлиб, яна хаёлларига берилди. "Қизиқ, мен учун шунча пулни ким тўлади? Ишқилиб, эртаиндин берган пулни қистаб келмасмикин? Уй-жойимга, болаларимга ўзимдан ҳам яхшироқ қараган ким бўлдикин?"

Агар эри бор гапни айтмаганда, у хаёл гирдобидан ҳали-вери чиқиб кетмаслиги тайин эди.

— Нима? Ҳаммасини Барчиной уддасидан чиқдимми? — У беихтиёр ўрнидан туриб кетганини ҳам сезмай қолди. — Наҳотки! Ахир мен... мен...

— Ҳа, Барчиной келинимга мингдан минг раҳмат, онаси! Шифохонага кетган кунингнинг эртасиданоқ ўзининг юмушларидан ошиниб, бизникига келиб турди. Уй-жойимизга қаради, қизимизни парваришлади, озиқ-овқатимиздан хабар олиб турди. Ҳеч бир қийинчилик сезмадик. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас.

Барчиной: "Қўйинг, ака, унақа деманг. Ахир нима қилган бўлсам Нозима опам учун қилдим. Шунақа кунда асқотмасам, овсинлигимиздан маъни борми?" дея бошини пастга эгди.

Эри томоғига бир нима тикилгандай бир зум тўхтаб қолди. Сўнг кўзлари ёшлангудай бўлиб деди:

— Даволанишингга катта пул кетишини айтишгач, бошим қотиб қолганди. Танишбилишлардан пул суриштирдим — наф чиқмади. Сотгудай нарсанг бўлмаса одамлар қарз беришмас экан. Укам билан Барчиной танг ҳолатимни сезишиб, мол-қўйларини сотишди... Хуллас, бу ёғини ўзинг биласан.

— Демак, менга "сирли тўлов" қилганлар...

Нозима "Бошига шунча маломатлар ёғдирсам ҳам наҳотки менга яхшилиқни раво кўрди? Агар ўрнида мен бўлганимда..." деган ўй-хаёл оғушида рўпарасида юз-кўзидан самимият уфуриб турган овсинига ҳайратланиб тикилди. Қаршисида гўё эзгулик фариштаси тургандай эди. "Бу хонадонга мен эмас, у муносиб!" — ичидан отилиб чиққан нидо зум ўтмай кўз ёшларга айланди...

Ҳалимжон ТОҲИРОВ.

Пойтахтга борганда шаҳарнинг кўзга кўринган масканлари қаторида, албатта, театрга ҳам ташриф буюрувчилар кўплайди. Бунинг сабабларидан бири вилоятларда театр санъатининг у қадар ривожланмаганлигидир.

Мен ҳам яқинда пойтахт саёҳати билан боғлиқ таассуротларимни бойитиш мақсадида Ўзбек Миллий академик драма театрига йўл олдим. Кассага кириб борганимда соат 15:00 лар атрофида эди. Репертуарга кўз югуртириб, "Ўжарлар" номили спектаклни танладим. Омадим чопиб, айнан шу кун мазкур асар намойиши экан. Сотувчи 11-қатордан битта жой қолганини айтди. Бу гапни эшитиб, ҳайратим ошди. Театр чипталари эрта кундан сотиб бўлинишига у қадар



ТЕАТР, БАРИБИР, БОШҚАЧА-ДА!



ишонмасдим.

Спектакль бошланишидан олдин кутиш залидаги томошабинларни кузатдим. Аксарият театр ҳавосидан нафас олиб кетай деган мақсадда ташриф буюрган вилоятлардан келган юртдошларимиз.

Томоша бошланди. Таниқли режиссёр Марат Азимов саҳналаштирган "Ўжарлар" деб номланган мазкур саҳна асарида қорақалпоқ халқининг ўзига хос менталитети, урф-одати, характери тасвирлаб берилган. Айниқса, бош қаҳрамон ролини

ижро этган Ҳожиакбар Комиловнинг юморга йўғрилган образи спектакль давомида томошабинларнинг юзидан табассум уйғотди. Тўғриси, мен бу актёрнинг комик қаҳрамон образиданги ролларини кўрмаган эдим. Шу кун унинг актёрлик маҳорати билан боғлиқ яна бир қиррасини кашф этдим.

Томошабинларни кузатсангиз, ҳамма саҳнадаги воқеалар оламига шўнғиб кетган. Ёши катта инсонларнинг ҳам болалардек хандон отишини кўриб, мана шундай маданий томошалар одамларга жуда кераклигини

тушуниб етдим.

Театрда воқеалар жонли тарзда қаршингизда намойиш этиб борилади. Унда кулгини ҳам, йиғини ҳам, борингки, инсон қалбидан кечаётган ҳар қандай туйғуни жонли ҳис қиласиз. Ёнида турганингиз учун асар қаҳрамонининг кечинмаси руҳиятингизга чуқур таъсир кўрсатади. Театр, барибир, бошқача. Ундан сўзлашишни, ҳис қилишни, таъсирланишни, кулишни, йиғлашни ўрганасиз. Маънавиятни юксалтиришда ҳиссаси катта бу даргоҳнинг.

Энг яхши томони, ичкарига егулик олиб кириш мумкин эмас. Агар шу тартиб жорий этилмаганда аксарият томошабин томоша қолиб, қўлидаги егулик билан овора бўлар, овқат истеъмоли пайтида ҳар хил товуш чиқариб, бошқаларнинг диққатини чалғитар, ўриндиқларга турли чиқиндиларини ташлаб кетган бўлар эди.

Театрдан чиқиб, ўз манзилим сари йўл олар эканман, халқимиз санъатни яхши кўришини, қадрлашини яна бир бор англаб етдим. Шундай экан, вилоятларда ҳам театрлар фаолиятини ривожлантириш зарур. Халқимиз саҳна маданияти ва маънавияти жам этилган театр санъатидан ҳамма жойда баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлсин.

Нигора МИРОЛИМ қизи.

Жисмоний машқлар ва бадантарбия инсон организми учун ниҳоятда фойдали эканлигини яхши биламиз. Бироқ аксарият кишилар иши кўплигини рўқач қилиб ёки эринчоқлиги боис, ҳар доим ҳам уларни бажармайди. Мутахассисларнинг фикрича, бунда пиёда юриш асқотади.

Яёв йўл юриш кўпгина хасталикларнинг олдини олади. Хусусан, қон босими меъёрлашиши, мия фаолияти яхшиланишига хизмат қилади.

Маълумки, қон босимининг кўтарилиши ва организмда холестерин миқдорининг кўпайиши натижасида юрак хасталиклари вужудга келади. Бундай беморларга шифокорлар энг содда даво усули сифатида ҳар кун маълум бир вақт мобайнида тоза ҳавода сайр қилишни тавсия этишади. Бунинг қанчалар ижобий самара беришини уни одатий машғулота айлантирганлар жуда яхши билади.

30 дақиқа пиёда юриш юрак уришини меъёрла-

штириб, қон босими кўтарилишининг олдини олади. Югуришдан ёки чопишдан кўра, бир маромда юришнинг фойдаси кўпроқ.

Умуман олганда, очиқ

ПИЁДА ЮРИНГ, ҚАРИМАЙСИЗ



СИҲАТ-САЛОМАТЛИК

ҳавода барча кундалик таъмишлардан ҳоли пиёда сайр қилиш инсоннинг тана аъзоларига ижобий таъсир кўрсатади.

АҚШлик шифокорларнинг айтишича, яёв юриш инсон мияси ҳажмини кенгайтиради. Бу қуйидаги тажриба асосида исботланган. Хусусан, турли ёшдаги 60 нафар кўнгилли гуруҳ ҳафтасига уч маротаба 40 дақиқадан пиёда юришган. Иккинчи шундай гуруҳ эса ҳафта давомида уч марта жисмоний машқ билан шуғулланган. Бир йилдан кейин иккала гуруҳ аъзоларининг миялари текширилиб кўрилганда, пиёда юривчиларнинг хотира маркази 2 фоиз, машқ қилувчиларники эса 1 фоиз кенгайгани аниқланган.

Яёв юриш миянинг қон билан яхши таъминланишига ҳам олиб келади. Бу

эса янги нейронларнинг ўсишига сабаб бўлади. Агар кимнингдир кўриш имконияти пасайган бўлса, у, албатта, кўпроқ пиёда юриши лозим. Бир хил ҳаракат кўз нуруни ҳам равшан қилади.

Одатда одамлар овқат еб бўлганидан кейин сайрга чиқади. Аслида эса овқатдан олдин биров сайр этиб, ундан кейин тамадди қилиш киши организми учун ниҳоятда фойдали. Бир ярим соатлик сайр қон таркибидаги ёғларни 25 фоиз камайтиради. Бу жараён овқат истеъмолидан кейин ҳам давом этади. Шу билан бирга, ёғларнинг ўзлаштирилиши яхшиланади.

Хуллас, кўпроқ пиёда юринг, соғлом бўласиз!

Ҳошимжон НАЗИРОВ,
шифокор.

"ДАДАМНИ ЯХШИ КЎР, МЕН СЕНИ ЯХШИ КЎРГАНДЕК"...

(бўлган воқеа)

Кун бўйи ишхонада югур-югурлар кўпайди. Камига анча вақт сарфлаб қилган ишим бошлиғимизга ёқмади... Бир уюм камситишлар ила нўноқликда айблади.

Уйга қайтяпман. Қаттиқ асабийлик оқибатими ёки хаёлим қочдими, йўлдаги "таниш чуқурчани" кўрмай қолиб, машинанинг ғилдирагини расво қилдим.

Уйга келсам, овқат қилинмаган, устига устак аёлим ҳам бетоб. Унга овозим бори-ча бақирдим ва жаҳл билан ётоққа кириб, ётиб олдим. Хаёлимда фақат раҳбарнинг асабий кўриниши ва айтган гаплари...

Шу пайт, уч ёшли ўғлим келиб, "Дада-жон, машинангизни мингим келяпти", деганча, устимга ўзини отди (одатда шундай қилиши менга жуда ёқарди). Уни устимдан улоқтириб, "йўқол, кўзимдан" деб ўшиқирганча хонадан чиқариб юбордим. У йиғлаб-йиғлаб онасини ёнига кетди.

Орадан қанча вақт ўтди, билмайман, кўзим илинган экан. Соат тунги 01:00. Ўғлим жажжи қўллари билан юзимдан силаб, бироз кўрқув билан уйғотди: "Дада-жон, хуфтонни ўқимай ухлаб қолибсиз". Қарасам қўлида жойнамоз. Бироз бир-биримизга тикилдик. Ўғлимнинг кўзида маъюслик ва меҳр қалқиб турибди. Бориб таҳорат олдим, ўғлим эса жойнамоз кўтарганча ортимдан эргашиб юрди. Унинг қўлидаги жойнамозни олиб, намоз ўқишни бошладим.

Бир маҳал ўғлим оёқларим орасига кириб: "Аллоҳим, дадамни хафа қилганларни яхши одамга айлантир, дадамни яхши кўр, худди мен сени яхши кўргандек", дея, овоз чиқариб дуо қилди...

Мен эса йиғидан ўзимни тўхта олмадим. Ҳатто, соқолим ва кўйлагим ҳўл бўлиб кетди...

Саидабор УМАРОВ.



Тойчоқ БОЛА, Той БОЛА...

**Тол ёғочдан қамчи қилар, от қилар,
Дадасини ёмон десанг, дод қилар.
Сергапликда кампирларни мот қилар,
Тойчоқ бўлиб чопиб юрган тўй бола.**

Ўша дилга яқин қадрдон қўшиқ. Янграши ҳамон беихтиёр юзларингизга қувонч югуради. Қалбингизни ажиб бир беғуборлик қамрай бошлайди. Қўлларингиз рақсга чоғланади, шундай эмасми? Шунини айтадилар-да, юракдан яратилган асар юракларга етиб боради деб. Абдулхай Каримов ижросидаги ушбу тарона кириб бормаган ўзбек хонадони бўлмаса керак. Суннат тўйларнинг мадҳиясига айланган "Тўй бола" дастлаб юртимиз Мустақиллигининг илк тантаналарида қўйланган эди.

Ҳар бир қўшиқнинг ўз тарихи бор. Хўш, санъаткорга айти шу мавзуда куйлаш илҳом қайдан пайдо бўлди? Мухлислар талабими? Ёки..

— Бир куни уйга келсам, аёлим қанақа тўй ўтказдингиз, деб сўраб қолди, — дейди Абдулхай Каримов. — Суннат тўйи дедим, одатий саволларидан санаб бепарволарча.

— Тўй болалар жуда ширин бўлади-да, барибир. Уларга атаб қўшиқ айтдингизми?

— Ажойибсан-да, онаси, бу мазмундаги қўшиқ

йўқ-ку.

— Унда шошмай туринг, сизга бир шеър ёзиб берай. Куйлаганингизда ўша бола-жонлар мазза қилиб ўйнашсин.

— Ҳа, шунақа демайсанми, гапни узокдан оласан-а, — дея ҳазиллашдим. Шу-шу фикрлар алмашдик. Шеър тайёр бўлди.

Яна бир қизиқ воқеа.

А н в а р а к а деган қўшнимиз бўларди. Ўғли доим у билан эди. Ҳазиллашиб, "думим-да" деб қўярди. Марҳабохон сатрларга шуни ҳам сингдирди:

**Туғилибоқ دادасига дум бўлар,
Тойчоқ бўлиб чопиб юрган тўй бола.**

Санъат оламида узок йиллар мухлислар олқишига эришиб, яхши қўшиқлар яратиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Тарона санъаткорга улкан омадлар олиб келгани рост.

— Ҳанузгача хизматларда "Тўй бола"дан бўлсин дейишади, — деди суҳбатдошимиз. — Хурсанд бўламан. Халқимиз кўнглидагини куйлабманки, оғиздан тушгани йўқ.

— Болаларга бағишланган илк миллий қўшиқ бўлган, десам янглишмайман, — дейди марҳаматлик Умидахон она Абдусаматова. — Кейинги пайтларда санъаткорларимиз томонидан шу мазмундаги қатор ашулалар айтилди, нимагадир унинг ўрни бошқа-да. Болаларча оддийлик, соддалик жамланган. Ўғилларим, невараларимга тўй қилиб, элга ош бердик. Албатта, Абдулхайнинг "Тўй бола"сиз тўйимиз ўтмайди.

Ишга келаётсам, қўшни маҳалламизда тўй бўлаётганини айтиб қолишди. Яна ўша таниш сатрлар жаранг соча бошлади:

**Ширин бола, шакар бола тўй бола.
Тойчоқ бўлиб чопиб юрган бой бола.**

Демак, суннат тўйи бўляпти...

Ҳувайдо ХЎЖАМҚУЛОВА.

Бундан анча йиллар илгари олийгоҳни тугаллаб, тумандаги бир мактабда иш бошладим. Бу таълим даргоҳида ҳар бир ўқитувчининг иккинчи номи-лақаби бор экан. Лақаб ҳар бир одамнинг юриш-туриши, феъл-атвори, ташқи қиёфаси, бўйи, кийиниши, ҳатто гапириш тарзига қараб белгиланишини билиб олдим. Менга ҳам узок лақаб қидиришгани эсимда. Ишдан ташқари бўладиган ўқитувчиларнинг гурунглари, тўй-тўркин ва бошқа тадбирларда лақаб беихтиёр ўзаро мулоқотлар марказида бўлар эди. Шундай самимий ва беғараз аския, қочириқлар, гап ўйинлари ўйлаб топиладик, гулдурас кулгидан давра қатнашчиларининг қўлидан кўз ёшини артиш учун даструёмол тушмас эди.

Кунлардан бир куни ҳаракатида доимо



эҳтиёткорлик сезилиб турувчи, атрофга тинмай аланглаб паст овозда сўзлашувчи, кўзлари ёниб турувчи, мактабда ҳам, кўчада ҳам деворга ўта яқин юрувчи география ўқитувчиси Парпи домла билан қизиқ воқеа юз берди. Иш режасига кўра фан кабинетларининг ҳолати ўрганилган эди. Мактаб жамоаси йиғилишида ушбу масала бўйича илмий бўлим мудир ахборот берди. У ўз сўзида фан кабинетларидаги камчиликларга тўхталиб, энг ачинарли аҳвол география хонасида аниқланганлигини маълум қилиб, шундай деди: "Гербарийларни сичқон ва каламушлар яроқсиз ҳолатга келтирган, баъзиларини тўла еб битирган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкин, кемирувчилар география кабинетида бир кун эмас, бир неча ойдан буён "базми жамшид" уюштиришмоқда."

Йиғилиш қатнашчиларидан бири: "Парпи домла ҳар куни география хонасида-ю?" дея луқма ташлади. Маърузачи сўзини таққа тўхтатди ва кулгисини яшириш учун рўмолча билан оғзини тўсди. Ўқитувчилар ҳам кулгидан ўзларини ҳеч тўхтата олмас эдилар. Фан кабинетларидаги камчиликларни эшитиб, қовоғини уйиб олган директор аввалига жим ўтирди, лекин Парпи домланинг лақаби мушук эканлиги ёдига тушди чоғи бирдан у ҳам кулгидан ўзини бошқара олмай қолди. Ўтирганларни тинчлантиришнинг ҳеч иложиси йўқ эди. Кўзлари жиққа ёшга тўлган директор аста ўрнидан туриб деди: "Ўн дақиқа танаффус эълон қилинади".

РЕКЛАМА

**Автобусларнинг икки ёнига реклама ёзиш
хўп урф бўлди-да!**

11-сонли йўналишда ҳаракатланувчи 4 та автобуснинг барчасига турли дори-дармонлар, касалликлар номлари камалак рангида ёзиб-чикиб ташланган. Йўловчилар уларни реклама ёзувидан танишади.

Бир аёл охириги бекатга келса, автобуслар йўқ экан. Унинг саволига ўриндиқда ўтирган оқсоқол шундай жавоб берибди:

— Биз келганимиздан бироз илгари "гемморой" жўнаб кетибди, ҳов ана бизга "туберкулёз" келябди.

Расулжон МУХТОРОВ.

ИККИ ЭШИК ОРАСИДА



Ҳаёт нима асли?

Икки эшикли бир бино, холос. Биридан кирасан, гўё лаҳза ўтмай, иккинчисидан кузатиб қўйишади. Аммо ана ўша лаҳзада сенинг бор-йўқлигинг, кимлигинг, дунёга нега келганинг синовдан ўтади.

Баъзан бу онлар йўқсизлик қадар танг, баъзан эса мангулик қадар кенг кўринади. Бу, албатта, эришилган амал ва мартабага эмас, балки, қилинган аъмолга боғлиқ. Ким буни тушунди — Ҳақ ва Халқ ризолигига етди! Ким тушунмади — нафси, хулқ-атвори, қилмишидан йитди...

МЕН БИЛГАН ҲАҚИҚАТЛАР ҲАЁТНИНГ БИР ЗАРРАСИМИЗ...

Ҳамма ўз орзусига етаверса, армон деган туйғуга ўрин қолмасди. Лекин, менинг фикримча, инсоннинг орзулари унга гўёки маёқдек янги манзиллар сари йўл кўрсатади, холос. Шунинг учун нимагадир эришолмаган бўлсангиз, койинманг.

Демак, Сиз Ҳаёт аталмиш оламнинг бир зарраси сифатида ҳаракатда экансиз.

НЕГА МЕНИ ЎЙЛАЙСИЗ?..

Сиз ҳақингизда ўйламасам, кунда кўришни хоҳламасам — бу, душманлик ё кўролмаслик ҳам эмас. Шунини истамасам, нима қилай? Чунки мен сиздан кўрқмайман!

Сиз эса мен ҳақимда кўп ўйлайсиз...

Негаки, МЕНДАН КўРҚАСИЗ!

Нажмиддин ИКРОМИЙ.



МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
2021 йил 19 майда
1181 рақам билан қайта рўйхатга олинган
Индекс: 460
e-mail: hamkor.press@mail.ru

Газета "Hamkor Press" таҳририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Нашр учун масъул:
Н. ТУХТАМАНОВА
Саҳифаловчи:
А. КАБИРОВ
Манзилимиз:
Андижон шаҳри,
105100, Бобур шоҳқўчаси 53-уй.
Тел: 78 298-01-07

"ZAKOVAT" NASHRIYOT UYI MCHJ босма-хонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Косонсой шаҳри, Чорбоғ кўчаси, 17-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00
Топширилди - 20.00
Қоғоз бичими - А3
Буюртма: Адади: 6029
1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма тобоқ.

ISSN 2181-9734



Сотувда келишилган нархда.